



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI
“TOSHKENT METROPOLITENI” DAVLAT UNITAR KORXONASI**

**MINISTRY OF TRANSPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
STATE UNITARY ENTERPRISE “TOSHKENT METROPOLITENI”**

O‘zbekiston Respublikasi, 100027, Toshkent shahri, Islom Karimov ko‘chasi, 16 a — uy,
tel.: +99871 241-65-14, metro@tashmetro.uz, metro@exat.uz, tash.metropoliten@mail.ru



2026 йил “21” iyul

№ H3-624

**Озодлик радиоси журналисти
М.Бекиевага**

Хурматли Меҳрибон Бекиева!

Сизнинг 2026 йил 17 июль кунидаги мурожаатингиз ҳамда жорий йил 19 июль санасида Youtube ижтимоий тармоғининг **Ozodlik** каналида “Метродаги авария – Икки киши жароҳатланди. Метрополитен ходимлари раҳбарият устидан шикоят қилди” мазмунида жойлаштирилган видеода кўтарилган масалалар бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз.

Сўнгги йилларда Тошкент метрополитенида йўловчиларга сифатли ва хавфсиз хизмат кўрсатиш учун бир қанча имконият ва шароитлар яратиш билан бирга метрополитен ходимларининг ойлик иш ҳақини ошириш ва кадрлар масаласида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, метрополитенда фаолият олиб бораётган ишчи хизматчиларининг 2021 йилда ойлик маоши ўртача 2,8 млн. сўм ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2025 йилда 7,5 млн. сўмни ташкил қилиб, ўртача ойлик маоши деярли уч баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин. Ишчилар сони 2021 йилда 3 620 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 6 540 нафарни ташкил қилади. Қувонарлиси ишловчиларнинг 50% га яқини ёшларни ташкил қилмоқда.

Олий маълумотли ходимлар 2021 йилда 412 нафарни ташкил қилган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткичимиз 2 118 нафарни ташкил қилган. Ташилган йўловчилар сони 2021 йилда кунига 290 минг йўловчини ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 1 млн 150 минг йўловчини ташкил этмоқда. *(Асосий кўрсаткичлар иловада келтирилган)*

Бундан ташқари Метрополитен раҳбарининг ташаббуси билан ходимларнинг иш фаолиятидаги самарадорликни ошириш, ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида метрополитеннинг бошқа фаолиятидан олинган даромадлари ҳисобидан шакллантириладиган махсус фонд (жамғарма) ташкил этилган бўлиб, ушбу фонд маблағлари ҳисобидан ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА мувофиқ 2023-2026 йилларда 377 нафар ишчи ходимларга соғлигини тиклаш, уй-жой шароитини яхшилаш, тўй ва маросимларни ўтказиш ҳамда бошқа турдаги ижтимоий қўлловлар учун 5 244,5 млн. сўм моддий ёрдам ва кўмаклар кўрсатилган.

“Тошкент метрополитени” ДУК раҳбари Усманов Раҳмонбек Джахангирович 2021 йилдан бугунги кунга қадар мазкур лавозимда фаолият юритмоқда.

Усманов Раҳмонбек Джахангирович 2011 йилдан 2018 йилга қадар Тошкент шаҳар ҳокими, 2018-2020 йилларда Юнусобод туман ҳокими лавозимларида ишлаган.

Жумладан, “Тошкент метрополитени” ДУК бош муҳандиси Мирхусанов Мирҳоким Мирҳосилович 2014-2018 йилларда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг турли тузилмаларида, 2018-2021 йилларда Юнусобод туман ҳокимлигида Инвестиция мажмуаси котибияти бош мутахассиси, Инвестиция ва ташқи савдо бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимларида фаолият юритган.

Юнусобод туман ҳокимлигидаги фаолиятида, Юнусобод туман ҳокими лавозимида ишлаган Усманов Раҳмонбек Джахангировичнинг тўғридан-тўғри бўйсинувида бўлмаган.

Мирхусанов Мирҳоким Мирҳосилович 2018 йилда Тошкент темир йўл муҳандислари институтини тамомлаб, ўзининг мутахассислиги бўйича иш тажрибасига эга бўлганлиги сабабли, ўз хоҳишига асосан 2021 йилдан бошлаб “Тошкент метрополитени” УК “Ҳаракат” хизмати бошлиғининг ўринбосари лавозимида иш бошлаган.

Шу билан бирга, “Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғининг ўринбосари Юсупов Юлдаш Эргашевич 2009-2018 йилларда Тошкент шаҳар Олмазор тумани ҳокимлиги молия бўлимида турли хил лавозимларда, фаолият юритган.

“Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғининг ўринбосари Юсупов Юлдаш Эргашевич, 2018 йилларда Тошкент шаҳар ҳокими лавозимида ишлаган Усманов Раҳмонбек Джахангировичнинг қўл остида фаолият юритмаган яъни 2018 йилда Олмазор туманида Молия бўлими мудир лавозимида ишлаган.

Юсупов Юлдаш Эргашевич, 2009 йилда Тошкент молия институтини тамомлаб, молия йўналишида фаолият олиб борганлиги, молия соҳасида иш тажрибасига эга бўлганлиги сабабли, 2025 йил 1 июлдан бошлаб “Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғининг ўринбосари лавозимида иш бошлаган бўлиб, Метрополитенга келгунга қадар ҳокимликнинг Р.Д.Усмановдан тўғридан-тўғри топшириқлар оладиган лавозимларда фаолият юритмаган.

Шунингдек, “Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғининг рақамлаштириш бўйича ўринбосари Элтаев Элёр Рустамович 2011-2018 йилларда турли хил лавозимларда, хусусан 2011-2014 йилларда “Агро-нектар” шўба корхонаси раҳбари, 2015-2017 йилларда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Капитал қурилиш соҳаларида ва 2018-2021 йилларда Автомобиль транспорти агентлиги ҳамда туман ҳокимлигида турли хил лавозимларда фаолият юритган. Шунинг таъкидлаш жоизки, фаолияти давомида Тошкент шаҳар ҳокими лавозимида ишлаган Усманов Раҳмонбек Джахангировичдан тўғридан-тўғри топшириқлар оладиган лавозимларда фаолият юритмаган.

Элтаев Элёр Рустамович 2021 йилдан бошлаб, “Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғининг ўринбосари лавозимида иш бошлаган.

Шунингдек, “Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғининг маркетинг масалалари бўйича ўринбосари в.б. Салихов Улуғбек Фаррух ўғли 2018 йилда Тошкент давлат техника университети Энергетика соҳасида бакалавр ва 2020 йилда Магистратурани тамомлаб, турли корхоналарда турли хил лавозимларда ишлаган ва 2023-2025 йилларда “Тошкент метрополитени” ДУКда турли хил лавозимларда мутахассис ва хизмат бошлиғи, 2026 йилдан “Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғининг маркетинг масалалари бўйича ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

“Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғининг маркетинг масалалари бўйича ўринбосари в.б. Салихов Улуғбек Фаррух ўғли ва корхона раҳбарининг жияни эканлиги юзасидан исми, отасининг исми ҳамда фамилиясида яқин қариндошлик даражаси аниқланмаган.

Бундан ташқари “Тошкент метрополитени” ДУК Ёшлар етакчилари кенгаши раиси - бўлим бошлиғи Мирхусанов Миролим Мирхосил ўғли 2023 йилда Тошкент давлат транспорт университетини тамомлаб, ўз мутахассислиги бўйича 2023-2025 йиллар давомида “Тошкент метрополитени” ДУКда турли хил лавозимларда шу жумладан, 2025 йилдан бошлаб, ҳозирги кунга қадар Ёшлар етакчилари кенгаши раиси - бўлим бошлиғи лавозимида фаолият юритмоқда.

Мирхусанов Миролим Мирхосил ўғли “Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғининг 2025 йил 30 июндаги N-251-сонли буйруғига асосан Метрополитен ёшлар етакчилари Кенгаши раиси - бўлим бошлиғи лавозим штат бирлигига “Тошкент метрополитен” ДУК бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари мақоми берилганлиги учун тўғридан тўғри корхона бошлиғига бўйсунishi белгиланган.

Худди шунингдек “Тошкент метрополитени” ДУК бош муҳандиси Мирхусанов Мирхоким Мирхосилович ҳамда “Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғининг ўринбосари-ҳаракат хавфсизлиги бўйича бош тафтишчиси лавозимида ишлаётган Эргашев Достонжон Қобилжон ўғиллари тўғридан тўғри корхона раҳбарига бўйсунishi белгиланган.

“Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғининг ўринбосари-ҳаракат хавфсизлиги бўйича бош тафтишчиси лавозимида, Эргашев Достонжон Қобилжон ўғли 2014-2016 йилларда Тошкент темир йўл муҳандислар институтини, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган.

Ўз фаолиятини 2014 йилда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тизимларида, 2015-2021 йилларда Транспорт вазирлиги тизимида, 2021 йилдан 2024 йилга қадар, “Тошкент метрополитени” ДУКда бош муҳандис ўринбосари ва 2024 йилдан мутахассислиги бўйича бош тафтишчи лавозимида фаолият юритмоқда.

“Тошкент метрополитени” ДУК Муаммоларни ўрганиш ва илмий инновацион ривожлантириш хизмати бошлиғи лавозимида, Пайзимухамедов Умид Тахирович 2025 йилдан бошлаб ишлаб келмоқда.

Пайзимухамедов Умид Тахирович ўз фаолиятини 2005 йилдан “Тошкент метрополитени” ДУКда турли хил лавозимлардаги ишлардан бошлаган.

Ҳозирда Тошкент давлат транспорт университетида 2021 йилдан буён сиртқи бўлими талабаси.

Шунингдек, 2023 йилдан 2025 йилгача хизмат бошлиғи, депо бошлиғи ва бошқа метрополитендаги турли лавозимларда фаолият юритган.

“Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғининг ўринбосари-ҳаракат хавфсизлиги бўйича бош тафтишчиси лавозимида ишлаётган Эргашев Достонжон Қобилжон ўғли ҳамда “Тошкент метрополитени” ДУК Муаммоларни ўрганиш ва илмий инновацион ривожлантириш хизмати бошлиғи лавозимида ишлаётган Пайзимуҳамедов Умид Тахировичларнинг божа эканлиги яъни уларнинг шахсий ҳаётидаги воқийликлар иш фаолияти давомида вужудга келган.

Юқоридагиларга мувофиқ Метрополитен бош муҳандиси Мирхусанов Мирхокимнинг укаси Мирхусанов Миролим ҳамда Эргашев Достонжон бир бирига қариндош эканлиги, аммо жорий йил 20 май санасида ўтказилган Одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишида, комиссия аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 121-моддасига асосан Қариндошларнинг давлат ташкилотида бирга хизмат қилиши аломатлари йўқлиги маълум бўлган. *(Йиғилиш баёни илова қилинади)*

Метрополитен бошлиғи Р.Ж.Усманов клиник лаборатория текширувларидан ўтиши ва муолажа олиниши инобатга олиниб, соғлигини тиклаш, чет элга бориш йўл харажатлари учун олдиндан ойлик маоши ҳисобидан 2025 йил декабрь ойида 652,5 млн. сўм 1 йилда қайтариш шарти билан (ссуда) маблағлари ажратилган. *(Истанбул шаҳридаги Мемориал клиникасининг хати ҳамда метрополитен бошлиғининг ўринбосари ва бош бухгалтернинг маълумотномаси илова қилинади)*

Бугунги кунда, 201,1 млн. сўм маблағ қайтарилган. *(кирим касса ордерлари илова қилинади)*

Шунингдек, Метрополитен раҳбари Р.Ж.Усмановга Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2025 йил 21 январдаги 14-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Тошкент метрополитени” давлат унитар корхонаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан иш ҳақи ҳисобланади ҳамда Транспорт вазирлигининг алоҳида буйруқларига мувофиқ **вазирликнинг жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳар ойда** ойлик устама ва рағбатлантиришлар амалга оширилади.

Ушбуга кўра раҳбар номига ҳисобланиб тўланган 80-100 млн. сўм маблағлар буйруқ расмийлаштирилиб вазирликнинг жамғарма маблағлари ҳисобидан тўланмаган устамалар, ўтган ой ёки чораклик устама ва рағбатлантиришлар ҳисобига **бази ойлarda** ошганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари метрополитен бош муҳандиси Мирхусанов Мирхокимга 2025 йил октябр ойида 81,7 млн. сўм тўланган пул миқдори хизмат сафари учун ажратилган *(Молия вазирининг буйруғи, метрополитен бошлиғи буйруғи, меҳмонхона учун тўланган инвойс ҳамда корхоналар томонидан берилган таклифномалар илова қилинади)*

Ёшлар, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Мирхусанов Миролимга 2025 йил июнь ойида 72,8 млн. сўм тўланган пул миқдори хизмат сафари ва малака ошириш ўқув курсида иштирок этиш учун ажратилган.

(Молия вазирининг буйруғи, метрополитен бошлиғи буйруғи, меҳмонхона учун тўланган инвойс, малака ошириш ўқув курсининг хати ҳамда ўқув курсига тўланган инвойс илова қилинади)

Метрополитен бошлиғининг хавфсизлик бўйича ўринбосари – Бош тафтишчи Эргашев Достонга 2025 йил июнь ойида 72,8 млн. сўм тўланган пул миқдори хизмат сафари ва малака ошириш ўқув курсида иштирок этиш учун ажратилган. *(Молия вазирининг буйруғи, метрополитен бошлиғи буйруғи, меҳмонхона учун тўланган инвойс, малака ошириш ўқув курсининг хати ҳамда ўқув курсига тўланган инвойс илова қилинади)*

Метрополитен бошлиғининг маркетинг масалалари бўйича ўринбосари Салихов Улуғбекга 2025 йил август ойида 104,5 млн. сўм тўланган пул миқдори хизмат сафари ва малака ошириш ўқув курсида иштирок этиш учун ажратилган. *(Молия вазирининг буйруғи, метрополитен бошлиғи буйруғи, меҳмонхоналар учун тўланган инвойс, малака ошириш ўқув курсининг хати, корхоналар томонидан берилган таклифномалар ҳамда ўқув курсига тўланган инвойс илова қилинади)*

Ушбу тўловлар Ҳукумат қарорларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун Транспорт вазирлиғи, Молия вазирлиғининг буйруқлари ҳамда ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ва ички буйруқлар асосида ҳисобланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиғининг 2025 йил 21 январдаги 14-сонли буйруғи ва “Тошкент метрополитени” давлат унитар корхонасининг 2025 йил 31 январдаги Н-41-сонли буйруғига асосан “Тошкент метрополитени” давлат унитар корхонаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган бўлиб, низомга асосан метрополитенда фаолият олиб бораётган барча ишчи хизматчиларнинг ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари устама ва моддий рағбатлантиришлар ҳисобланиб тўланади.

Метрополитеннинг 2021-2025 йиллар мобайнида амалга оширган молиявий фаолиятини ўрганиш ва хато камчиликларни бартараф этиш мақсадида Аудиторлик корхонаси жалб этилган бўлиб, бугунги кунда текшириш ишлари якунига етганлиги, шунингдек аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланганлигини маълум қиламиз.

Бундан ташқари Метрополитен тоифаланган ўта муҳим объект бўлганлиги сабабли раҳбарнинг алоҳида Хавфсизлик масалалари бўйича ўринбосари жорий этилган бўлиб, бу лавозимда ДХХ ходими бўлган Катта офицерлар фаолият олиб боради. Шунингдек, ДХХ, вазирликлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан метрополитендаги непотизм масалалари ва молиявий фаолияти доимий тарзда қаттиқ назоратга олинганлигини маълум қиламиз.

Жорий йил 9 июль санасида Youtube ижтимоий тармоғининг NEGATIV (Oqtera2000) каналида “Негатив 652” сарлавҳаси билан жойлаштирилган видеода кўтарилган масалалар жамият томонидан ўрганиб чиқилганда ўз тасдиғини топмаганлиги ва нотўғри талқин қилинганлиги маълум бўлиб, бу бўйича канал журналисти ва блогери Улуғбек Ашурга тушунтириш бериб, 81 варақдан иборат маълумот ва асословчи ҳужжатлар илова қилинган.

Метрополитен томонидан тақдим этиладиган маълумот ва асословчи хужжатлар тўғри талқин қилинадиган тақдирда биз доим очиқлилик ва ҳамкорликка тайёрлигимизни билдирамиз.

Илова 65 варақда.

Боғланиш учун:

Манзил: *Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 16 а – уй.*

Электрон манзил: *metro@tashmetro.uz, tash.metropliten@mail.ru, nz@tashmetro.uz*

Тел рақам: +99871 241-65-14, +99871 245-13-99

Моб рақам: +99893 504-44-44

Хурмат билан,

**“Тошкент метрополитени” ДУК
бошлиғи ўринбосари в.б.**



Ю.Э.Юсупов